

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 06.01.2018. Tar.56.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ДАВЛАТОВА САОДАТ ТИЛОВБЕРДИЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИ АНЪАНАВИЙ
ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАР КОНТЕКСТИДА
(XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XXI АСР БОШЛАРИ)**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология
07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Давлатова Саодат Тиловбердиевна

Ўзбекистоннинг жанубий худудлари анъанавий
хунармандчилиги тарихий жараёнлар контекстида
(XIX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошлари)..... 3

Давлатова Саодат Тиловбердиевна

Традиционное ремесленничество южных регионов
Узбекистана в контексте исторических процессов
(вторая половина XIX – начало XXI века) 37

Davlatova Saodat Tilovberdiyevna

Traditional handicrafts of the southern regions of
Uzbekistan in the context of historical processes
(the second half of the 19th – the beginning of the 21st centuries) 69

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 74

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 06.01.2018. Tar.56.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ДАВЛАТОВА САОДАТ ТИЛОВБЕРДИЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИ АНЪАНАВИЙ
ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАР КОНТЕКСТИДА
(XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XXI АСР БОШЛАРИ)**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология
07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Tag66 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzhistory.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Алимова Дилором Агзамовна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Улуғбек Сайданович
тарих фанлари доктори

Ҳакимов Акбар Абдуллаевич
санъатшунослик фанлари доктори, профессор академик

Расулов Бахтиёр Махмуджонович
тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Тарих институти ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи DSc. 06.01.2018. Tag.56.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «__» _____ куни соат____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси 5-уй, Тарих институти 2-қават мажлислар зали). Тел.: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@uzhistory.uz. ЎЗР ФА Тарих институти.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел: (+99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____даги __ рақамли реестр баённомаси билан).

А.С. Сағдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, академик

М.Х. Пайзиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

А.Х. Дониёров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда интеграциялашув ва иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнлари жадал кечаётган ҳозирги кунда этник-маданий ўзликни англаш, локал этнохудудий маданиятлар ҳамда миллий кадриятларни сақлаб қолишнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бундай вазиятда минтақаларнинг турли даврлардаги ривожланиш тенденцияларини сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий янгиланиш жараёнлари контекстида тарихий-этнографик жиҳатдан тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг ранг-баранг миллий ва минтақавий хусусиятларини сақлаб қолишнинг ишончли механизмини яратиш, анъана ва кадриятларни тиклашдаги инновацион ёндашувларни ривожлантиришда ЮНЕСКОнинг «Ҳунармандчилик маҳсулотлари учун сифат белгиси» Дастури САСА – Марказий Осиёда ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш ташкилотлари ассоциацияси амалга оширади. 2016 йилдан бошлаб Дастур Бутунжаҳон ҳунармандлар уюшмаси (ВРС) раҳбарлиги остида қўллаб-қувватланмоқда. Шунингдек, ҳунармандчилик кўп мамлакатлар қонунчилигида ишлатиладиган БМТ, ЕИ, ЖСТ учун ягона термин ҳисобланади. Ҳунармандчилик маҳсулотлари Жаҳон Савдо Ташкилотида Товарлар савдоси (ГАТТ) ва хизматлар (ГАТС) бўйича иккита Бош битимга киритилган.

Жаҳон тарихи ва этнологиясида ҳунармандчилик мавзуси тарихий, маданий меросни сақлаш ҳамда уни тарғиб қилишда санъат антропологияси, яъни ижтимоий антропологиянинг асосий объекти сифатида турли маданиятлар контекстида ўрганилмоқда. Ҳунармандчиликни эстетик объект сифатида ҳар томонлама тарғиб қилиш, давлатлараро ўзаро алоқа ва маданий муносабатларни ривожлантириш, ҳунармандчиликда бозор ва этнографик туризмни жаҳон иқтисодиётида юқори даромадли, молиявий, маданий ва интеллектуал мақомни белгиловчи етакчи омилга айлантиришда хорижий мамлакатларнинг нуфузли ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонни маданий-маърифий юксалтириш учун миллий маданиятни илмий асосда тадқиқ қилишнинг кучайиши давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши билан боғлиқ бўлиб, анъанавий ҳунармандчиликни қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш учун муҳим давлат дастурлари қабул қилинди. Бу ҳолат Республикада мустақиллик йилларида ҳунармандчиликка доир ислохотларнинг концептуал ва амалий жиҳатдан тўғрилигини исботлайди. «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да белгилаб қўйилган «давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарадорлигини ошириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни

йўлга қўйиш»¹ каби муҳим вазифалар доирасида анъанавий ҳунар турларини кўпайтириш, ҳунармандларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўзбек ҳунармандларининг жаҳон мамлакатлари билан алоқаларни кенгайтириш, республика ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлаш билан бир қаторда тарихий ва маданий меросни илмий ўрганишга назарий асос бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари Ўзбекистоннинг ўзига хос тарихий-маданий ҳудудларидан ҳисобланиб, қадимдан ҳунармандчилик бу минтақа аҳолиси хўжалик ҳаётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган. Ўзбекистоннинг жанубий минтақасида кўшни давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқаларини амалга оширишда ҳунармандчилик ишлаб чиқариши алоҳида ўрин тутган. Албатта, бу жараёнлар кўп жиҳатдан сиёсий воқеаларга, давлатнинг ҳунармандчилик тараққиёти масаласига нисбатан кўрсатган муносабатига ҳам боғлиқ бўлган. Минтақада ҳунармандчиликнинг XIX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларидаги тарихий контекстда турлича кўринишда тараққий этганлигини янгича методологик ёндашувларга асосланиб кенг қамровли тарихий-этнологик тадқиқот олиб бориш заруратини кўрсатади. Бу муҳим аҳамиятга эга долзарб вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги ПФ-1741-сонли «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сонли «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3393-сонли «Ҳунарманд» уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4797-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари² ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамият маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Ҳунармандчилик тарихига бағишланган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // <http://strategy.regulation.gov.uz>

² Халқ сўзи / 1997 йил 1 апрель; 2017 йил 9 февраль; 2017 йил 20 ноябрь.

³ Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.zmo.de>; <https://iea-ras.ru>; <https://www.global.hokudai.ac.jp>; <https://www.ucl.ac.uk>; <https://www.red-redial.net/fr/center-de-recherche-1103.html>; <https://contacts.Ucalgary.ca>; <https://maes.Museum/powerhouse> – museum; <https://rugsociety.org.au>; <https://>

илмий-тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртларида бажарилиб келинаётган тадқиқотлар доирасида, жумладан: Германия Замоनावий шарқ маркази (Zentrum Moderner Orient, Germany), Япониянинг Хокайдо университети Славян ва Евроосиё илмий тадқиқот маркази (Slavic-Eurasian Research Center), Англиянинг Кембриж университети (University of Cambridge), Франциянинг «Замоनावий жамиятлар антропологияси маркази» (Centre d'anthropologie des mondes contemporains), Россия Фанлар академияси Этнология ва антропология институти (Россия), Калгари университети (Канада), Шарқ давлат музейи (Россия), Шарқ гиламлари жамияти ва Пауэрхаус музейи (Австралия), Канада тўқимачилик музейи (Торонто, КТМ)⁴, Миннеаполис санъат институти (АҚШ)⁵, Виржиния университети (University of Virginia, АҚШ), Ўзбекистон ФА Тарих институти (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Халқ анъанавий ҳунармандчилиги мавзуси бўйича тадқиқотларда қатор аҳамиятга молик илмий натижалар олинган: ҳунармандчиликнинг ўзига хос локал турлари, улар билан боғлиқ маросим ва урф-одатлар, ҳунармандчилик *рисолаларида* уста-шогирд анъаналари (Германия Замоनावий шарқ маркази), Қашқадарё воҳаси гиламдўзлиги ривожланиши хусусиятлари (Slavic-Eurasian Research Center, Япония), ҳунармандчилик семантикасида рамзлар, элементлар семиотикаси аниқланган (Кембриж университети, Англия); ўзбек анъанавий ҳунармандчилигининг Россия мустамлакаси ва совет даври тарихини тадқиқ қилишда услубий ёндашувлар моҳияти ёритилган (Россия Фанлар академияси Этнология ва антропология институти); Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларининг каштачилик ва гиламчилигига оид маълумотлар тўпланган ва экспозициялар йиғилган (Канада тўқимачилик музейи, Торонто); амалий санъатнинг антропологик ёндашуви асосида тадқиқ қилишни илмий асослари ўрганилган (Миннеаполис санъат институти ва Виржиния Университети, АҚШ).

Жаҳонда ҳунармандчилик соҳасини ривожлантириш, амалий санъат анъаналарини сақлаб қолиш бўйича қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: амалий санъатни антропологик ёндашув асосида ўрганиш, ҳунармандчилик назари яси, иқтисодиётда ҳунармандчилик секторини яратиш, ҳунармандчиликни модернизациялашуви, институционал асосларни шакллантириш, қўлда ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқишда инновацияларни қўллаш, ишсизлик даражасини пасайтириш, маҳсулотлар экспортини кўпайтириш, бозор туризми ва музейлардаги ўрнини аниқлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари) аҳолиси анъанавий

www.Tripadvisor.ru/M.297; [https://www.postgraduatefunding.com.Funding Search](https://www.postgraduatefunding.com.FundingSearch); <https://www.Journals.uchicago.edu/pb-assets/doc.s/> ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

⁴ Музейда ўзбек тўқимачилигига оид Бухоро, Нурота, Самарқанд, Тошкент ва Пскентда яшаган ўзбек ва тожик халқлари ҳамда лақай ва қўнғирот уруғларига тегишли 256 та намуна сақланади.

⁵ Институтнинг безак санъати, тўқимачилик ва газлама бўлинмасида ўзбек тўқимачилигининг XVIII – XX асрларга оид 179 намунаси мавжуд. Шундан 97 дона лақай ва қўнғирот уруғлари кашталари, газлама намуналари, деворга осиладган кашталар, Шаҳрисабз ва Китоб туманида тикилган кашталар ташкил этади.

хунармандчилиги тарихини ўрганиш Ўрта Осиё Россия мустамлакасига айлантирилганидан сўнг, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида ўзбек анъанавий хунармандчилиги ва унинг аҳоли хўжалик ҳаётидаги ўрни бўйича дастлабки изланишлар шахсий кузатувлар асосида яратилган. Бу маълумотлар қисқа тавсифий характерга эга бўлган ва тизимли муаммовий таҳлил этилмаган.

Совет даврида этнография фани институционал ривожланганлиги боис хунармандчилик мавзуси кенг ёритилди. Тадқиқотчилар томонидан турли ҳудудлар хунармандчилиги хусусиятлари ўрганилди. Хунармандчиликни фанлар кесимида ўрганишда айниқса, санъатшунослик катта ўрин тутган. Бироқ бу наشرлар асосан марксча-ленинча ёндашувга асосланган.

Мустақиллик йилларида маҳаллий мутахассислар ишларида ўзбекларнинг анъанавий хунармандчилигига оид тадқиқотлар тарихий кесимда муайян ҳудудлар мисолида тадқиқ қилинди. Бу даврда яратилган ишларни этнографик тадқиқотлар ҳам ташкил этиб, хунармандчилик тарихини ёритиш объектив характерга эга бўлди.

Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар ишларининг умумий таҳлили шуни кўрсатадики, жанубий ҳудудлар аҳолиси анъанавий хунармандчилиги ва унинг тарихий жараёнлардаги трансформацияси махсус илмий муаммо тарзида ўрганилмаган. Шу боис, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолиси анъанавий хунармандчилигини тарихий-этнологик жиҳатдан тадқиқ қилиш долзарб илмий аҳамиятга эгадир (тадқиқотнинг ўрганилиш даражаси ҳақида диссертациянинг 1-бобида батафсил маълумот берилган).

Диссертация мавзусининг иш бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация ЎЗР ФА Тарих институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-2-075 «Замонавий ўзбеклар: тарихий-этнологик тадқиқот» (2006–2008) ва ФА-А1-ГО25 ПВ-2014-0911000555 «Ўзбеклар: этник тарих, маданият ва анъаналар» (2015–2017) каби амалий тадқиқотлар лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолиси хунармандчилигидаги трансформацион жараёнлар XIX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошлари тарихий давр кесимида тарихий-этнографик материаллар асосида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жаҳон тарихи ва этнологияси фанида эътироф этилган илмий қарашлар ва назариялар таҳлили асосида анъанавий хунармандчиликни ўрганишга оид назарий-услубий жиҳатларини таърифлаб бериш;

муаммонинг тарихшунослик таҳлили асосида Ўзбекистон жанубий ҳудудлари аҳолиси хунармандчилигининг ривожланишини ёритиш;

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг ўрганилаётган ҳудудлар хунармандчилиги

тараққиётига таъсирини очиб бериш ва ҳудудларга хос ҳунар турларини тавсифлаш;

совет даврида ҳунармандчилик ривожига жараёнининг бир қиррали эмаслиги ва совет ҳукуматининг бу борада олиб борган ислоҳотлари, уларнинг жанубий вилоятларда жорий этилиши натижалари ҳамда ҳунармандчилик марказларининг маҳаллий хусусиятларини тарихий аспектда очиб бериш;

мустақиллик йилларида анъанавий ҳунармандчиликка доир ислоҳотлар ва ўзгаришлар ҳамда замонавий ҳунар турларининг кўринишларини қиёсий ўрганиш;

ҳунармандчиликда рамзлар семантикасини кўрсатиш;

халқ ҳунармандчилиги анъаналари ва уста-шоғирд муносабатларини кўрсатиб бериш ҳамда жанубий ҳудудлар анъанавий ҳунармандчилиги билан боғлиқ урф-одат ва маросимларни таҳлил қилиш;

илмий хулосаларга таянган ҳолда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолиси ҳунармандчилиги замонавий кўринишларини ривожлантиришга хизмат қилувчи амалий, назарий таклиф ва тавсиялар баён қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолисининг анъанавий ҳунармандчилиги белгилаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини жанубий ҳудудлар ҳунармандчилигининг Бухоро амирлиги даври, совет даври ҳамда мустақиллик йилларидаги тараққиёти, унинг трансформация жараёнлари, семантикаси, уста-шоғирд анъаналари, ҳунармандчилик билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар каби масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий изчиллик, тарихий-қиёслаш, структуравий ва семантик-семиотик назария усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси ҳунармандчилигининг жамият тараққиёти ҳамда меҳнат тақсимоти жараёнида шаклланган уй ҳунармандчилиги, буюртма ва бозор учун маҳсулот тайёрлаш жиҳатлари ҳамда ҳунар турларининг *безаклар бериши* ва *яратилиши услублари* тарихий-этнологик аспектда очиб берилган;

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ҳунармандчилик турлари (*қайиқсозлик, тўқимачилик, каштачилик, гиламчилик, кулолчилик, кандакорлик, металлга ишлов бериши*)нинг ривожланиши *табиий-географик муҳит, хўжалик юритиши услуби, вужудга келиши, ташкилий жиҳати ва ижтимоий таркибига* кўра тавсифланган, уларнинг локал хусусиятлари *ранги, кўриниши, ҳолати ва алоҳида турларига хос фарқланиши* дала этнографик маълумотлар асосида аниқланган;

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги бекликларида ҳунармандчилик аҳолининг кундалик эҳтиёжлари (*истеъмол, талаб, бозор*)ни қондирувчи асосий ишлаб чиқариш вазифасини бажаришда

давом этганлиги ва ҳудудларга Россиядан *саноат маҳсулотларининг кириб келиши* ҳамда *анъанавий ҳунар турларининг инқирозга учраши, янги турлар (йўрмадўзлик, ойнасозлик, сунъий бўёқлар ишлаб чиқиши, рассомлик, ром ва мебель ясаш ва б)нинг пайдо бўлиши*, янги кўриниш (мода)нинг кириб келиши каби ўзгаришлар тарихийлик аспектда далилланган;

совет даврида саноатлашувнинг юзага келиши (индустриализация), ҳудудларда *гиламчилик, дўппидўзлик, мато ишлаб чиқариши* ва *кулолчилик* буюмларининг машина-станокларда тайёрланишининг анъанавийликка таъсири, *хонаки ишлаб чиқаришининг саноат билан алмашинуви*, артеллар ташкил этиш жараёни, воҳаларга хос ҳунар турларининг этнографик тавсифи структуравий, географик детерминизм назарий услублари асосида қиёсий кўрсатиб берилган;

мустақиллик йилларида *қадимги ҳунар турларини қайта тиклаш, замонавий анъанавий кўринишларини яратишга* оид давлат сиёсати, бозор муносабатларига ўтишда ҳунармандчиликда талаб, истеъмол, буюртма учун ишлаб чиқариш *касаначилик, кичик бизнес ва тадбиркорлик, бозор туризми* ҳолатида юзага келиши, мулкӣ тенглик, ҳунармандчилик модернизациясида урбанизациялашувнинг кучайиши, ҳунармандлар учун турар-жой ва устахона-дўконларнинг яратиб берилиши, қўлда маҳсулот тайёрлаш, техника тараққиёти хусусиятлари очиб берилган;

ҳунармандчилик буюмлари элемент, безак ва нақшларида ифодаланган рамзларнинг семантик-семиотик таҳлили, ҳунармандчиликда уста ва шогирд анъаналари, Қашқадарё воҳасига хос *арвоҳи-пир, саннонпазлик, пахта силар* каби урф-одат ва маросимлар ҳамда ҳунармандчилик анъаналари акс этган рисолалар (*Миришкор тумани Сартарошлар Низоми, Ғузор тумани «Кори заргарони»*) мавжудлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўзбекистон тарихи ва этнологиясида мавжуд тарихий-фалсафӣ қарашлардан жанубий ҳудудлар аҳолиси анъанавий ҳунармандчилиги муаммосини фанлар кесимида тадқиқ этишнинг назарий-услубий жиҳатлари ишлаб чиқилган;

ўрганилаётган ҳудудлар аҳолиси анъанавий ҳунармандчилигининг трансформация жараёнлари ҳамда унга таъсир этган омиллар аниқланган ва уни ривожлантиришга оид тавсиялар илгари сурилган;

тадқиқот давомида йиғилган тарихий-этнографик материаллар, архив ҳужжатларидан олинган маълумотлар ҳамда илмӣ хулосалар республика ва вилоятлар «Ҳунарманд» уюшмалари, музейларда экспозиция ва тадбирлар ишлаб чиқиш, давлат дастурлари ижроси, касб-ҳунар коллежларида ҳунарга ўргатиш қўлланмаларини ишлаб чиқишда асос бўлган.

Тақдиқот натижаларининг ишончилигини ишда этнология ва тарих фанида тан олинган ёндашув ва усуллар қўлланилганлиги, кўп турдаги тарихий ва этнографик адабиётлардан фойдаланилганлиги, дала-этнографик материаллар, архив ҳужжатлари, ўрганилаётган ҳудудлар архиви бошқармалари материаллари, республика музейлари ва кўргазма

экспозициялари, республика ва вилоятлар «Хунарманд» уюшмалари ҳисоботлари, даврий матбуот, нарратив асарлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга асосланган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон тарихининг XIX аср иккинчи ярми – XXI аср бошлари даврлари контекстида жанубий ҳудудлар аҳолиси анъанавий хунармандчилигининг трансформацияси умумлаштирилган услубий ёндашувлар, назарий хулосалар ва дала этнографик маълумотлар тарих, этнография, социология ва санъатшунослик фанлари йўналишларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши, ўзбек халқи тарихий ва маданий меросини асраш, бойитиб бориш, миллий мафқурани шакллантиришда мақсадли давлат дастурларининг бажарилишига, шунингдек, ўзбек халқи маданиятига оид билимларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолиси анъанавий хунармандчилигини тарихий жараёнлар контекстида ёритиш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

ўзбек миллий хунармандчилиги буюмларининг хорижий кўرғазмаларда намойиши, унутилиб бораётган хунар турларининг ҳудудларга оид соҳаларини тиклаш учун Республика «Хунарманд» уюшмаси томонидан уюштиралаётган «Навқирон Ўзбекистон», «Янги авлод», «Гашаббус» республика кўрик-танлов ва тадбирларини ташкиллаштиришда тадқиқот натижаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси «Хунарманд» уюшмасининг 2017 йил 11 октябрь АА 01/01-586-сон маълумотномаси). Бу ўзбек халқининг тарихий мероси, шунингдек хунармандчилик билан боғлиқ анъана ва урф-одатларини ўрганишда муҳим ўрин тутди;

унутилган хунар мактаб-марказларини аниқлаш, хунармандчилик ишлаб чиқаришида уста-шогирд анъаналарини тадбиқ этиш ва ёшларга хунар ўргатишни ташкил этиш ҳамда уюшма қошида бутун республика хунармандлари учун «Уста-шогирд» Низомини ишлаб чиқишда тадқиқот натижаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси «Хунарманд» уюшмасининг 2018 йил 12 июнь ШР15/692-сон маълумотномаси). Натижада йўқолиб бораётган хунар турларини келажак авлодларга ўргатиш ва амалий санъат асари сифатида илмий ҳамда амалий аҳамиятини оширишда катта аҳамият касб этади;

хунар турлари, буюмларининг Россия империяси мустамлакачилиги ва совет давридаги кўринишлари бўйича ЎзР МДА ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари асосида олинган илмий хулосалар Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 9 октябрдаги «Замонавий талабларга жавоб берувчи ва мустақиллик ғоялари асосларига мос келувчи Ўзбекистон тарихи музейини реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори»га кўра «1914–1915 йилларда Ўрта Осиё хонликлари даври» ва «Хунармандчилик» экспозиция бўлимларини қайта шакллантиришда фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 12 апрель 3/1255-920-сон маълумотномаси). Натижада миллий хунармандчилик тарихи ва анъаналарини дунё жамоатчилигига танитиш, тарғиб қилиш ҳамда хунармандчиликни эркин ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратишда самарали хизмат қилган;

бугунги кунгача сақланиб қолган амалий санъат ва миллий хунармандчилик мактаблари анъаналарини асраш, халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш, Ўзбекистон амалий санъати ва халқ хунармандчилиги музейида «Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари амалий санъат намуналари» номли экспозициясини ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 10 апрель 01-11-08-2386-сон далолатномаси). Бу натижалар Қашқадарё ва Сурхондарё хунармандчилиги тарихи ва хунармандчилик буюмларининг музей экспозицияларида ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган жами 43 та – 35 та республика ва 8 та халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 60 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, 1 та атамалар изоҳли луғати, 1 та библиография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, 5 боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 260 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Ўзбек халқи анъанавий хунармандчилигини ўрганиш методологияси ва муаммо тарихшунослиги» деб номланган

биринчи бобида анъанавий хунармандчиликни ўрганишда этнологик ёндашув ва тадқиқотларга оид илмий қарашлар баён қилинган ҳамда муаммо тарихшунослик нуқтаи-назардан таҳлил қилинган.

Бобда *географик детерминизм, структурализм, санъат антропологияси ва модернизация* назариялари контекстида анъанавий хунармандчилик трансформацияси ёритилган. Хунармандчилик моддий мероснинг нодир намунаси сифатида аҳолининг уй-рўзгор, эстетик ва бошқа эҳтиёжларини қондириш даражаси эканлиги аниқланган.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари) анъанавий хунармандчилиги ўрганилаётган даврларнинг барча босқичларида юз берган ўзгаришлар турли омиллар таъсирида бўлганлиги очиқ берилган. Бобда *жамият, хунармандчилик, хунарманд, меҳнат тақсимооти, кооперация, ижтимоий тизим* атамалари кенг маънодаги тушунчалар эканлигига урғу берилган.

Хунармандчилик жамият ривожланиши давомида деҳқончилик ва чорвачиликдан ажралиб чиққан ва такомиллашиб, кулолчилик, тўқувчилик, темирчилик, тоштарошлик, заргарлик, дурадгорлик, зардўзлик, кўнчилик каби турли ихтисосликларга ажралган. Хунармандчилик ҳамма жойда бир текисда ривожланмай, дастлаб фаолият олиб бориш учун зарур бўлган табиий ресурсларнинг мавжудлигига қараб маълум ҳудудларда тараққий этган. Хунармандчиликнинг ривожланиши табиий-географик муҳит, хўжалик ва маданий анъаналар мавжудлигига боғлиқлиги боис, тадқиқотда географик детерминизм⁶ ва модернизация⁷ назарияларидан фойдаланилган.

Географик детерминизм назариясига кўра, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тузилишини белгилайдиган омил географик (табиий) муҳитдир⁸. Дарҳақиқат, табиий (иқлим, атроф муҳит, рельеф, тупроқ, фойдали қазилмалар ва бошқа) шароитлар ижтимоий тараққиётнинг боришини тезлаштириши, хунармандчилик ривожига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Лекин у жамиятнинг қиёфаси, ижтимоий тизимнинг хусусиятини бир тузумдан иккинчи тузумга ўтишини белгилаб берувчи куч бўла олмайди.

Диссертация фанлараро ёндашувга асосланган бўлиб, санъат антропологиясини ҳам ўз ичига олади. Санъатга антропологик ёндашув ижтимоий жараёнларда объектларни ташкил этиш билан ажралиб туради.

⁶ Мечников Л.И. Цивилизация и великие исторические реки. – М., 1995; Монтескье Ш.Л. О духе законов. – М., 1999; Боден Ж. Метод легкого познания истории. – М., 2000; Горина Е.Н. Проблемы географического детерминизма в трудах Л.И. Мечникова // Известия Саратовского университета. – Саратов, 2010. – Т. 8. – Вып. 2. – С. 37-38.

⁷ Модернизация назариясининг шаклланишида У. Ростоунинг «Иқтисодий ўсиш босқичлари» асари ва Т. Парсонс, Э. Шилза каби олимларнинг изланишлари назарий асос бўлиб хизмат қилган. Модернизация назарияси жаҳон ижтимоий тараққиёти билан бирга доимий эволюцион ривожланишдаги таълимот ҳисобланади. *Қаранг:* Михайлова Е.М. Политическая мысль новейшего времени. – Чебоксары, 2010. – С. 28.

⁸ Мечников Л.И. Цивилизация и великие исторические реки... – С. 220, 270-271.

Шунингдек, жамиятда объектнинг шакли ва вазифаларини таҳлил қилади, улар ўртасидаги муносабатларни кенг аспектларда ўрганади⁹.

Ўзбек анъанавий хунармандчилиги ривожланишини тарихий жараёнлар контекстида таҳлил этишда ўзгаришларнинг сабаб-оқибатларини кўрсатадиган *структуравий ёндашув* қўлланилган¹⁰.

Хунармандчиликнинг турли даврлардаги кўринишлари жамиятдаги маданий ўзгаришларни қамраб олади. Бунда унинг модернизацияси иқтисодийнинг капиталлашуви, урбанизация, индустриализация ва глобаллашув каби хилма-хил социал ва сиёсий жараёнларда содир бўлади. Масалан, хунармандчилик буюмлари батамом модернизациялашган бўлса ҳам (каштачилик, мато тўқиш, темирчилик, кулолчилик, меъморчилик ва заргарлик соҳаси буюмлари) уларда ўтмишдан ўтиб келаётган анъанавий элементлар сақланиб қолади.

Диссертацияда хунармандчиликнинг ривожланишида меҳнат тақсимоти ва кооперациянинг зарурлигини француз файласуфи О. Конт (1798–1857) ўзининг жамият назариясида қўллаган¹¹. Жамият тарихида бу омиллар ижобий аҳамиятга эга бўлиб, шу туфайли ижтимоий ва касб-корлик гуруҳлари юзага келади ҳамда одамларнинг моддий фаровонлиги кўтарилди. Меҳнат тақсимоти, артель ва кооперацияларнинг вужудга келиши анъанавий хунармандчиликда турли ўзгаришларга олиб келиб, ўз навбатида ижтимоий дифференциация ва интеграция, социал гуруҳ, индивид, табақа ва қатламларнинг ижтимоий фаоллашуви ижтимоий динамиканинг мобиллик ва трансформация кўринишларини ифодалайди.

Ижтимоий дифференциация тушунчаси биринчи марта инглиз социологи Г. Спенсер (1820–1903) томонидан қўлланилган¹². Унинг фикрича, ижтимоий эволюция бир вақтнинг ўзида дифференциация ва интеграция, ижтимоий тартибот мукаммалашувидан иборатдир. Г. Спенсер ижтимоий эволюцияни одамлар эҳтиёжлари билан объектив боғлиқлигини кўрсатади.

Ҳозир жамиятда меҳнатнинг тақсимланиши кишиларни бир бутун ижтимоий организмга бирлашишига олиб келади. Бунда жамият аъзолари, меҳнат фаолияти ва ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам бир-бирига боғлиқ. Бу борада француз социологи Э. Дюркгейм (1858–1917) ҳам *ижтимоий ҳамкорлик* ғоясини исботлашга уринган. Э. Дюркгейм *структуравий-функционал ёндашув* тарафдори сифатида жамиятни «оддий» ва «мураккаб» турларга бўлиб кўрсатади. У «ҳамжихатлик» ижтимоий интеграцияни таъминловчи ижтимоий алоқа ва механизмларини аниқлашдир, деб билади. Тадқиқотда бу назария асосида ўзбек хунармандчилигида маълум соҳа хунармандлари ўртасидаги ўзаро алоқалар, муносабатлар ўрганилди.

⁹ Coote J. Anthropology of Art // <https://www.discoveranthropology.org.uk/about-anthropology/specialist-areas/anthropology-of-art.html>. 2.05. 2017.

¹⁰ Структурно-функциональный подход. – М., 1987. – С. 27; Рэдклифф-Браун А.Р. Структура и функция в примитивном обществе. Очерки и лекции / Пер. с англ. – М., 2001.

¹¹ Конт О. Курс позитивной философии. Антология мировой философии. – Т. 3. – М., 1971. –С. 384-386.

¹² Спенсер Г. Синтетическая философия (в сокращенном изложении Г. Коллинза / Пер. с англ. Мокиевский П.В.). – Киев, 1997; Ковалевский М.М. Социология Герберта Спенсера. – Т. I. – СПб., 1997.

Қолаверса, ижтимоий бирлашув индивидларнинг иктисодий ўзаро алоқалари ва меҳнат тақсимоти орқали таъминланади¹³. Ўзбекистонда жамият тараққиёти ва меҳнат тақсимоти жараёнида хунармандчиликнинг уй хунармандчилиги (истеъмол), буюртма асосида маҳсулот тайёрлайдиган хунармандчилик ва бозор учун маҳсулот тайёрлайдиган хунармандчилик каби учта тури шаклланган. Ўзбекистоннинг жанубий воҳаларидан тўпланган дала этнографик материалларнинг синхрон, тарихий-генетик ва семантика-семиотика услубларидаги таҳлили шуни кўрсатадики, анъанавий хунармандчилик аҳолининг хўжалик фаолияти сифатида меҳнат тақсимоти ва жамият ривожига жараёнларида юзага келган.

Диссертацияда хунармандчилик мавзусига оид адабиётлар даврий ва муаммовий тамойилларга кўра тўрт гуруҳга бўлиб таҳлил қилинган: 1) *мустамлака даври наишлари*; 2) *совет даври тадқиқотлари*; 3) *мустақиллик йилларидаги илмий изланишлар*; 4) *хорижий тадқиқотчиларнинг изланишлари*.

Муаммонинг тарихшунослиги (XIX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошлари) ўз моҳияти ва методологик ёндашуви ҳамда муайян даражада тарих фани ва сиёсий тизимлар тараққиётига кўра турличадир. Россиялик муаллифларнинг мустамлака даврида яратган асарлари империя ҳукумати стратегияси нуқтаи назаридан ёзилган бўлиб, мустабид тузумнинг ҳаракатларини оқлашга қаратилган эди. Бироқ уларда бой эмпирик материаллар баён қилинган бўлса-да, ўрганилаётган ҳудудлар хунармандчилиги тарихини тўла камраб олмаган ва минтақа тараққиёт даражаси кўпроқ салбий баҳоланган¹⁴. Шунинг учун, бу давр адабиётларини шартли икки босқичга бўлиш мумкин: *биринчи босқич* тадқиқотларига Россия империяси босқинигача Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари келган савдо қарвонлари ва дипломатик миссия аъзолари ёзиб қолдирган хотира ва ҳисоботлар қиради. Бунда муаллифлар асосий эътиборни хонликларнинг сиёсий-ҳарбий ҳолатини ўрганишга қаратиб, хунармандчилик ишлаб чиқариши ҳақида жуда оз маълумотлар ёзиб қолдирганлар. *Иккинчи босқичга* оид маълумотлар Россия мустамлакаси даврини камраб олиб, нафақат

¹³ Дюркгейм Э. О разделении общественного труда: метод социологии / Пер. с фран. – М., 1991. – С. 350.

¹⁴ Мейендорф Г. Путешествие из Оренбурга в Бухару в 1820 году. – М., 1875; Небольсин П.И. К истории торговли Средней Азии с Россией со стороны Оренбургской линии // Записки русского географического общества (кейинчалик Записки РГО). – Т. X. – СПб., 1856; Пашино И. О фабричной и торговой деятельности в Туркестанской области // Известия РГО. – СПб., 1867. – Т. III. – №4. – С. 120-139; Краузе Л. Заметка о красильном искусстве туземцев // Русский Туркестан. – Вып. 2. – М., 1872; Парамонов И.А. О кожевенном производстве в Туркестанском крае // Русский Туркестан. – Вып. 2. – М., 1872; Петровский Н.Ф. О шелководстве и шелкомотании в Средней Азии. – Ташкент, 1873; Ўша муаллиф. Шелководство и шелкомотание в Средней Азии. Отчет министерству финансов агента в Туркестанском генерал-губернаторстве. – СПб., 1874; Бродовский М.И. Техническое производство в Туркестанском крае. – СПб., 1875; Костенко Л.Ф. Туркестанский край. – Т. I–III. – СПб., 1880; Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства // Туркестанский край. – Вып. 5. – СПб., 1899. – С. 77-129; Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. – Т. I–II. – СПб., 1911; Масальский В.И. Туркестанский край // Россия. Полное географическое описание нашего отечества. – Т. 19. – СПб., 1913; Фелькерзам А. Старинные ковры Средней Азии // Старые годы. – СПб, 1914; Развадовский В.К. Опыт исследование гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае // Туркестанское сельское хозяйство. – Ташкент, 1916. – №4. – С. 339-342; – №5. – С. 443-448; – №6. – С. 567-573; – №7. – С. 632-642; – №8. – С. 710-716 ва бошқалар.

Туркистон ўлкаси, Бухоро ва Хива хонликларининг сиёсий-иқтисодий аҳволи, балки хунармандчилик ишлаб чиқариши тарихини ўрганишда ҳам катта аҳамият касб этади.

Ўрта Осиё Россия империяси томонидан мустамлака қилинган, олиб борилган дастлабки этнографик изланишлар улар асосан кузатувларга асосланган ва фрагментар маълумотлар баён қилинган. Қолаверса, кўплаб ишларда мустамлака давридаги Туркистон иқтисодиёти, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, ижтимоий муносабатлари бўйича бой эмпирик маълумотлар берилган бўлса-да, улар кўпроқ босқинчилик сиёсатининг стратегик манфаатларига хизмат қилган¹⁵. Уларда жанубий ҳудудлар анъанавий хунармандчилиги жуда кам ёритилган бўлиб, бу ҳолат совет даврида сезиларли даражада ўзгарган.

Совет даврининг дастлабки йилларида ўтказилган кўпсонли археологик ва этнографик экспедициялар натижасида муҳим маълумотлар йиғилди. Совет даври илмий адабиётларида Туркистон ва Ўзбекистон хунармандчилик ишлаб чиқаришига алоҳида эътибор қаратилган. Уларда янги иқтисодий сиёсат даврида Туркистон саноатининг йирик хом-ашё базасига айланиши, хунармандларни артелларга бирлаштириш сиёсати, ишлаб чиқарилган маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш муаммолари таҳлил қилинган. Шунингдек, хунармандчилик ишлаб чиқаришини национализация қилиш, кустарларнинг давлат корхоналарига ишга ўтиши, касаба уюшма (профсоюз)ларига кириши, анъанавий цех нормалари ва шогирдлик анъаналарининг бузилиши ҳам таҳлилга тортилган. Кўплаб адабиётларда ўша даврдаги мавжуд тузум, ўрнатилган хукмрон мафкуравий дунёқарашнинг устунлиги кескин сезилиб туради¹⁶.

¹⁵ Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. – СПб., 1908; Гейер И.И. Туркестан. – Ташкент, 1909; Заорская В.В. и Александер А. Промышленные заведения Туркестанского края. Разработка данных анкеты, произведенной летом 1914 г. экономической организацией изысканий по устройству водохранилищ в верховьях реки Сырдарьи. – Петроград, 1915.

¹⁶ Василевский Н. Кустарная промышленность // Народное хозяйство Туркестана. – Ташкент, 1920. – № 9–10. – С. 37–42; Ўша муаллиф. Вхождение кустарей в профессиональные союзы промышленности // Народное хозяйство Туркестана. – Ташкент, 1920. – № 9–10. – С. 13–15; Муравьев П. Организация народного хозяйства и кустарная промышленность // Народное хозяйство Туркестана. – Ташкент, 1925. – № 4. – С. 6–10; Современный кишлак Средней Азии (социально-экономический очерк). – Вып. 3. Китабская волость. (Кашкадарьинской области Узбекской ССР) / Под ред. Б.Б. Карт и И.Е. Суслова. – Ташкент, 1926. – С. 237; Балков В. Кустарно-ремесленная промышленность Средней Азии. История, современная организация и перспективы мелкой промышленности. – Ташкент: Изд-во САГУ, 1927. – С. 194; Пещерева Е.М. Из истории цеховых организаций в Средней Азии // Краткие сообщения Института этнографии. – М.–Л., 1949. – Вып. 6. – С. 34–36; Ўша муаллиф. Гончарное производство Средней Азии. – М.–Л., 1959; Сухарева О.А. К истории городов Бухарского ханства (Историко-этнографические очерки). – Ташкент: АН УзССР, 1958; Ўша муаллиф. Позднефеодальный город Бухара конца XIX – начало XX века. Ремесленная промышленность. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1962; Ўша муаллиф. О ремесленных цехах Средней Азии в конце XIX – начале XX в. // КСИЭ. – М., 1960. – Вып. XXXIII. – С. 39–46; Мошкова В.Г. Ковры народов Средней Азии конца XIX – начало XX века. – Ташкент, 1970; Фахретдинова Д.А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1972; Ўша муаллиф. Ювелирное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1988; Кармышева Б.Х. О товарности женских промыслов (этнографические данные по восточным бекствам Бухарского ханства) // Ближний и Средний Восток: товарно-денежные отношения при феодализме. – М.: Наука, 1980. – С. 98–107; Кустарные промыслы в быту народов Узбекистана XIX – XX вв. – Ташкент: Фан, 1986. ва бошқалар.

Совет даврида муаммонинг ўрганилиши бирмунча янги босқичга чиқди. Айнан мазкур даврда этнографик ва тарихий тадқиқотларнинг умумий ривожланишида ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги билан боғлиқ айрим маълумотлар йиғилди. Бироқ, ушбу тадқиқотларда ўрганилаётган жанубий ҳудудлар ҳунармандчилиги тарихи тўлалигича очиб берилмаган бўлса-да, баъзи маълумотларни учратиш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳунармандчиликни ўрганишга оид тадқиқотларнинг учраши тарих ва этнология фанининг интенсив ривожланиши билан боғлиқ. Бу Ўзбекистоннинг маълум бир ҳудудлари ҳунармандчилиги тарихига доир тадқиқотларнинг пайдо бўлиши билан ҳам изоҳланади¹⁷. Ўрганилаётган муаммога доир қатор санъатшунослик, тарих, этнография, археология ва бошқа йўналишларда олиб борилган тадқиқотлардан тўпланган маълумотлар, ҳунармандчилик турлари, турли ҳудуд маданий марказларининг ўзига хос хусусиятлари, орнамент-безаклари тўғрисида билдирилган фикрлар таҳлил қилинган¹⁸. Улар ўрганилаётган ҳудудлар ҳунармандчилигига оид муаммоларни тўла қамраб олмаса-да, маълумотларнинг қисман келтирилиши билан диққатга сазовордир. Ҳозирга қадар Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари анъанавий ҳунармандчилигига бағишланган махсус ишлар яратилмаган бўлса-да, муаммонинг тарихий жиҳатлари ёритилган асарлар мавжуд¹⁹. Умуман олганда, маҳаллий муаллифларнинг ишларида ҳалигача тавсифийлик етакчилик қилиб

¹⁷ Фармонова Б.А. Ремесленное производство в Ферганской долине во второй половине XIX – начале XX в.: Дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1994; Қиличев Р.Э. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошида Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик.: Тарих.фанлар канд...дис. – Тошкент, 1997; Якубов Б.С. Шахрисабское и Китабское бекство во второй половине XVIII – 60-х гг. XIX вв. автореф.и дисс... канд ист.наук. – Ташкент, 1997; Агзамова Г.А. Ўрта Осиё хонликларида ҳунармандчилик ва савдо.: Тарих фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2000; Жумаев Қ.Ж. бошларида Бухоронинг анъанавий каштадўзлик санъати.: Тарих фан. ном... дисс. – Тошкент, 2003; Авазов Ю.У. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг Жанубий-Шарқий бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт.: Тарих фан. ном... дисс – Тошкент, 2005; Очилдиев Ф. XIX аср охири – XX аср бошларида жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт (сурхон воҳаси мисолида).: Тарих фан. ном... дисс. – тошкент, 2006; Ҳамидова М. XIX – XX аср бошларида Қашқадарё воҳаси ҳунармандчилиги тарихи.: Тарих фан. ном... дисс – Тошкент, 2009; Қличев У.А. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчиликнинг ривожлантирилиши (1991-2006 йиллар): Тарих фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2010; Холиқулов А.Б. XIX – XX аср бошларида Қашқадарё бекликлари.: тарих фан.номзоди...дис. автореф. – Тошкент, 2011; Қличев О.А. Россия императори сиёсий агентлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги ёзишмалар Россия ва Бухоро муносабатлари тарихини ўрганиш манбаси.: тарих фан. ном...дисс. – Тошкент, 2018.

¹⁸ Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Тошкент: Мехнат, 1991; Домбровский Г. Сюзана – вышивка из Средней Азии // Наследники Шелкового Пути. Узбекистан. – Штутгарт, 1995. – С. 263–282; Хакимов А., Гюль Э. Байсун. Атлас художественных ремёсел. – Ташкент, 2006; Турсунов С., Рашидов Қ. Байсун. – Тошкент: Akademnashr, 2011; История Узбекистана (XVI – первая половина XIX) / Отв. ред. Д.А. Алимова. АН РУз Ин-т истории. – Т.: Фан, 2012; Қобилов Э. Сурхондарё хўжалиги. – Тошкент, 2012; Турсунов С.Т., Пардаев Т ва б. Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи. Тошкент, 2013; Ўша муаллиф. Шеробод тарихидан лавҳалар. – Тошкент, 2014. –356 б.

¹⁹ Захаров С.М., Собиржонов А.С. Қарши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978; Қобилов Э. Сурхондарё саноатининг илк одимлари. – Термиз, 1993; Жўрақулов О., Эргашева Ж. Қашқадарё саноати тарихи. – Қарши, 1996; Ртвеладзе Э.В., Аминов М. Сурхондарё. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996; Сагдуллаев А., Аминов М., Якубов Б. Қашқадарё тарихидан лавҳалар. – Қарши: Насаф, 1997; Турсунов С. ва б. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: Шарк, 2001; Хакимов Н., Жўрақулов О. Шахрисабз тарихи. – Қарши: Насаф, 2001; Шахрисабз – минг йиллар мероси. – Тошкент, 2002; Исмоилов Н., Бўриев О. Қарши – Ўзбекистоннинг қадимий шаҳри. – Қарши: Насаф, 2006.

келмоқда. Бажарилган илмий ишларда у ёки бу ёндашувлар қўлланилганлиги баён қилинса-да, айти пайтда чуқур таҳлил мавжуд эмас.

Хориж тадқиқотларида асосан Россия империяси мустамлакачилиги ва совет даврида бағишланган ишлар устунлик қилади²⁰. Муаллифлар қишлоқ хўжалигига доир ҳунармандчилик ишлаб чиқариши, уларнинг фикрларига кўра, ҳукумат қизиқишлари ва мафкурасига мослашган саноат билан боғлиқ фактик материаллардан фойдаланилган. Ушбу нашрларда совет тарихшунослигида расман ёритилмаган масалаларга объектив ёндашишга ҳаракат қилинган. Хусусан, Россия империяси ва совет ҳокимиятининг сиёсатига объектив баҳо берилган, ўлка аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳамда мустамлакачиларга қарши норозиликлари²¹ моҳияти очиб берилган. Бироқ ушбу тадқиқотларда жанубий ҳудудлар ҳунармандчилиги назарий жиҳатдан тавсифланмаган. Биргина Қашқадарё ҳунармандчилигига оид япон тадқиқотчиси Фумото Соно ишини келтириб ўтиш мумкин²². Хориж тадқиқотлари орасида муаммонинг амалий санъат ва декоратив йўналишларига оид янгича назарий ёндашувлар асосида ёритилган маълумотлар ҳам учрайди²³.

Ўз ўрнида айтиб ўтиш керакки, хорижий тадқиқотларда Туркистонда саноат ишлаб чиқариш инфратузилмаси, саноат корхоналари шаклланиши ва уларни ўлка аҳолиси ижтимоий-иқтисодий аҳволи таъсири масалалари, бозор иқтисодиётида меҳнатнинг хўжалик шакллари, минтақага рус ва чет эл капиталининг кириб келиши жараёнлари масалалари илмий аксини деярли топмаган. Умуман олганда, хорижий тадқиқотлари мавзуни ўрганишда турли нуқтаи-назар ва ёндашувларга асосланиб маълум ютуқларга эришган бўлса-да, баъзан бир-бирига қарама-қарши хулосаларга ҳам келишган.

Диссертациянинг «XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигида анъанавий ҳунармандчиликнинг ҳолати ва муаммолари» деб номланган иккинчи бобида жанубий ҳудудлар анъанавий ҳунармандчилигидаги ўзгаришлар ҳамда ҳунармандчиликнинг ҳудудларга

²⁰ Norman N. Travels and studies in contemporary European Russia. Finland Siberia the Caucasus Central Asia. – London, 1902; Wheeler G. The modern history of Soviet Central Asia. – London, 1964; Seymour B. Russian protectorates in Central Asia Bukhara and Khiva. 1865–1924. – Cambridge, 1967; Pierce R. Russian Central Asia. Bukhara and Khiva. 1865–1924. – Cambridge, 1968.

²¹ Schuler E. Turkestan. Notes of a journey in Russian Turkestan, Khokand, Bukhara and Kuldja. – Vol. 1. – New York, 1876; Skrine F, Ross E. The Heart of Asia. – London, 1895; Bossert H.T. Das Ornamentwerk. – Berlin, 1924; Hoyit B. Turkestanin gishgaza tarihi. – Berlin, 1944; Holdsworth. M. Turkestan in the nineteenth century. A brief history of the khanates of Buchara, Kokand and Khiva. – Oxford, 1959. – P. 23–24; Tillet L. The great Friendship. Soviet historians on the norussian nationalities. – North Carolins, 1969; Taube J. Suzani. Eine textile Kunst aus Zentral Asien / Volk collection. – Munchen, 1994; Keller G. Frauen Kultur in Uzbekistan. – Denzlingen, 2002; Beaupertuis-Bressand F. Samarkand la magnifique. – Marsel, 2003; Kate Fitz Gibbon and Andrew Hale. Uzbek embroidery in the nomadic tradition (The Jack A and Aviva Robinson collection at the Minneapolis Institute of Arts) / Singapore, 2007. – P. 118; Dag'yeli J.E. Gott liebt das Handwerk. Moral, Identitat und religiose Legitimierung in der mittelasiatischen Handwerks – Risala. – Berlin, 2011.

²² Fumoto S. Women Marriage and the Market Economy in Rural Uzbekistan: Cases from a Pastoral Area of Kashkadarya Province // Islam and Gender in Central Asia. Soviet Modernization and Today's Society / Ed. Obiya Chika. CIAS Discussion Paper. – 2016. – № 63. – P. 40–49.

²³ Канцедикас А. Искусство и ремесло (к вопросу о природе народного искусства). – Москва.: Изобразительное искусство, 1977; Каган М.С. Искусство в системе культуры –Л.: Искусство, 1987; Банфи А. Философия искусства. – М.: Искусство, 1989.

хос локал хусусиятлари илмий жиҳатдан тадқиқ этилган. Шунингдек, табиий географик шароит хунармандчилик трансформациясини ҳаракатга келтирувчи куч эканлигига алоҳида эътибор қаратилган.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлиги бекликларидаги мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият мамлакат иқтисодий-иқтисодий танг аҳволга солиб қўяди ва бу бевосита жанубий ҳудудлар хунармандчилиги тараққиётига ҳам таъсир кўрсатади. Ишда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар натижасида ўзбек анъанавий хунармандчилигининг ўша даврдаги трансформацион ўзгаришлари билан бирга баъзи турларининг тугалиб кетиши, янги хунар турларининг пайдо бўлиши борасидаги маълумотлар таҳлили келтирилган.

Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари бекликлари жойлашган ҳудудлар шароитига қараб, хунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш бир-бирига нисбатан фарқланган. Жумладан, Шеробод беклигида қайиқсозлик, гиламдўзлик, кулолчилик, Бойсунда темирчилик, ерга ишлов бериш учун иш қуроллари яшаш, қандолатчилик тараққий қилган. Денов хунармандлари металлга ишлов бериш, ёғочсозлик (ўймакорлик ва бошқалар), тўқимачилик, кийим-кечак ва заргарлик буюмлари тайёрлашга ихтисослашган бўлса²⁴, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб ва Ғузор бекликларида тўқувчилик, каштадўзлик, металлга ишлов бериш, кўнчилик, темирчилик, гиламдўзлик, кандакорлик ва кулолчилик тараққий этган эди²⁵.

Умуман олганда, хунармандчилик ишлаб чиқаришидаги ўзгаришларни бир хил баҳолаб бўлмайди. Шунга қарамай, бир томондан XX аср бошларида хунармандчилик буюмлари аҳоли эҳтиёжларини қисман қондирган бўлса-да, лекин хунарманд усталарнинг турмуш даражаси анча паст бўлган. Бунга сабаб, амирликда жорий этилган солиқлардан ташқари, маҳаллий ҳокимият вакиллари хунармандларни кўшимча ҳар хил тўлов ва мажбуриятларни бажаришга ҳам мажбур қилганлиги эди. Ҳокимият юқори қатлами вакиллариининг эътиборсизликлари оқибатида хунармандларнинг меҳнати қадрсизланиб борган. Шунингдек, иш ҳақининг камлиги, кундалик меҳнат мажбуриятининг оғирлиги туфайли кўпинча уста ёрдамчиси – халфа ва шогирдларнинг устахонадан кетиб қолиши каби салбий ҳолатлар ҳам хунармандчилик ривожланишига таъсир этган. Хунармандларнинг меҳнат қуроллари ҳамон ўрта асрлардаги характерини сақлаб қолган эди. Иш қуролларининг оддийлиги, техникавий жиҳатдан қоқоқлигига қарамай, ўзбек хунармандчилигининг кўп соҳалари ниҳоятда юксак санъат намуналари сифатида шуҳрат қозонган. Шубҳасиз, ҳар бир соҳа ўзининг тараққиёт даражаси, натурал хўжалик ёки бозор билан боғлиқлиги, ташкилий томондан ва ҳажми жиҳатдан ўзаро фарқ қилган.

Бошқа томондан, Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудлари хунармандчилиги трансформациясига сиёсий, ижтимоий-иқтисодий омиллар

²⁴ Турсунов С.Н., Қобулов Э. ва б. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Т.: Шарк, 2001. – Б. 376.

²⁵ ЎзР МДА, И-1-фонд, 34-рўйхат, 54-иш, 9-варак.

билан бирга жамият эҳтиёжи, ўлкага аста-секин рус капитали, технологиясининг кириб келиши билан бозорлардан маҳаллий ҳунармандчилик буюмларининг сиқиб чиқарилиши каби омиллар ҳам сабаб бўлган. Умуман, ушбу хулосалар нафақат тадқиқ этилаётган минтақа муҳитига, балки Туркистоннинг бошқа ҳудудларига ҳам тааллуқли бўлиб, тарихий жараёнлар кесимида ҳукмрон сиёсатнинг таъсири саноат ишлаб чиқаришнинг муҳим соҳаси ҳисобланган анъанавий ҳунар турларида ўзгаришларни ҳам юзага келтирган.

Россияда фабрика саноатининг ривожланиши ва ўлкага ишлаб чиқариш маҳсулотларининг олиб келиниши билан бир қатор ҳунармандчилик турлари қисқариб кетади. Халқ ҳунармандчилиги маҳсулотларининг Россия, Европа ва Шарқ мамлакатлари бозорларида сотилиши ҳунармандчиликнинг турларини ривожланиши ва ҳунармандлар аҳволи қисман яхшиланишига олиб келди. Чунки бу даврда деҳқончилик ҳамда ҳунармандчилик маҳсулотлари ички ва ташқи бозор талабларини деярли қондириб турган. Хом-ашё маҳсулотларидан фойдаланиш чекланганлигига қарамай, ўз ўрнида бу икки йўналиш, Туркистонда ички ва ташқи савдо тақдирини ҳам белгилаган.

Хулосага кўра, Бухоро амирлиги даврида Россия империясининг иқтисодий сиёсати таъсирида ҳунармандчиликнинг азалий ишлаб чиқариш усули, асбоб ва ускуналари, тайёрланган ҳунармандчилик буюмларида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Бу даврда Россиядан ип, металл ва бошқа ярим фабрикат маҳсулотларининг келтирилиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми, тури ва сифатининг ўзгаришига олиб келган.

Ҳунармандчилик Қашқадарё ва Сурхондарёнинг шаҳар ҳамда катта қишлоқларида мавжуд бўлиб, айрим жойларида ҳали деҳқончиликдан тамоман ажралиб чиқмаган эди. Унинг ҳолатига келсак, XIX аср иккинчи ярмида ҳудудлардаги чекка қишлоқларда хонаки (кустар) саноат ишлаб чиқариши асосан аҳолининг маиший эҳтиёжларига хизмат кўрсатувчи майда ҳунармандчиликдан иборат эди. Ҳудудларда ҳунармандчиликнинг тўқувчилик (мато тўқиш, матога гул босиш, гиламчилик, тикувчилик, каштачилик), металлга ишлов бериш (темирчилик, чўян қуйиш, чилангарлик, мисгарлик), кулолчилик, ёғочсозлик, заргарлик, кўнчилик (теричилик, пойабзал тайёрлаш), меъморчилик (иморат, бино) ва ҳ.к. раванқ топган эди. Ҳунармандлар кўшимча даромад олиш мақсадида бир вақтнинг ўзида деҳқончилик, чорвачилик билан ҳам шуғулланганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида жанубий ҳудудларнинг анъанавий ҳунармандчилиги кўринишлари турлича бўлса-да, уларнинг ривожланиш даражаси аксарият ҳолларда сусая борган. Бунга сабаб, бир томондан мустамлакачиларнинг сиқуви бўлса, иккинчи томондан ривожланиш учун шарт-шароитлар етарли эмас эди. Шунга қарамай, ҳунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда ҳамма вақт талаб катта бўлганлиги учун жанубий воҳалар анъанавий ҳунармандчилиги маҳаллий

ўзига хослигини сақлаб қолган. Бу даврда Бухоро амирлиги жанубий воҳалар бекликлари орқали Россия шаҳарлари, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон каби Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқалари олиб борган²⁶.

Россиядан кўплаб тайёр фабрика маҳсулотларининг кириб келиши жанубий вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига ҳам салбий таъсир кўрсатган ҳамда улар иқтисодиётининг айрим ўринларда қолоқлашишига олиб келган. Бироқ ҳудудларда уй ҳунармандчилиги ишлаб чиқариши шу тарзда ўз тараққиётини давом эттирган ва мато ишлаб чиқариш, мисгарлик, заргарлик, кулолчилик, этикдўзлик каби ҳунар турлари сақланиб қолган. XX аср бошларига келиб эса ҳудудларда шшасозлик, кандакорлик, қайиқсозлик, кулолчилик каби ҳунар турлари ривожланмасдан қолди. Шу билан бирга, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа омиллар айнан ҳунармандчилик маҳсулотларида инновацияларнинг вужудга келишига олиб келган. Бу даврда ҳунармандчиликдаги ўзгаришларнинг муҳим жиҳатларидан бири индустрлаштириш, урбанизация жараёнлари, маҳсулотларини тайёрлашда янги технологияларнинг жорий этилиши ва маҳсулот айирбошлаш бўлиб, айнан бу жараёнлар фабрикада тайёрланган маҳсулотларнинг кустар (хонаки, кўл) ҳунармандчилигини сиқиб чиқариши эди.

Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари аҳолиси анъанавий ҳунармандчилигини тарихий жараёнлар контекстида ўрганиш шуни кўрсатадики, уларни умумий битта маданий яхлитликда ривожланган деб айтиш қийин албатта. Бу эса ўзига хос анъанавий хусусият акс этган алоҳида тарихий-этнографик минтақалар мисолида ҳудудлар хўжалик-маданий ҳаётидаги ўзгаришларни тадқиқ қилиш, унинг аҳолиси хўжалик ҳаёти билан кечган этномаданий жараёнлар орқали ёритиб беришга имкон туғдиради. Бу тадқиқотнинг муҳимлиги – жанубий ҳудудлар ҳунармандчилиги алоҳида марказ ва мактаблар тарзида шаклланиб, этник, локал ва умумминтақавий хусусиятлар асосида ривожланганлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **«Совет ҳокимиятининг ижтимоий-иқтисодий ислохотлари ва Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида анъанавий ҳунармандчилик»** деб номланган учинчи бобида ўрганилаётган даврда Ўзбекистон иқтисодиёти, капиталлашувдан ижтимоий мулкчиликка ўтиш жараёнлари ҳамда ўзбек анъанавий ҳунармандчилиги жумладан, жанубий ҳудудлар ҳунармандчилигининг кўринишлари ва ҳолати ёритиб берилган.

Совет даврида ҳунармандчилик ва ҳунармандларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди; ҳунармандчилик устахоналари ва дастгоҳлари ҳукмрон доиралар, большевиклар томонидан мусодара қилинди. Ҳунармандларга «майда товар ишлаб чиқарувчилар», яъни эзилувчи синф сифатида қаралиб, ҳунармандчилик соҳаси бутунлай янги ташкилий тизим тарзида қайтадан қурилди. Натижада ҳунармандчилик соҳасининг баъзи кўринишлари ўзгарди ва айримлари сиқув остига олинди.

²⁶ Таниева Г.М. Роль Каршинского вилаята в политической, социально-экономической жизни Бухарского эмирата.: Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 2008. – С. 21.

Ўрганилаётган хуудларда уй хунармандчилигининг саноат асосига ўтказилиши, тармоқ ва турли ишлаб чиқариш имкониятларига эга бўлган устахоналар ва хунармандларнинг ташкилий жиҳатдан уюшма, кооперация ва артелларга бирлаштирилиши, уларни совет ҳукумати ва унинг манфаатлари йўлида хизмат қилдириш турли хил усул ва йўллар билан мажбур қилинди. Хунармандчиликнинг миллий ва анъанавий асосларига путур етказилиб, хунармандлар ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотишдан маҳрум қилинди.

1918 йилнинг 1-ярмигача ўлка саноатининг 330 дан ортиқ корхоналари давлат мулки қилиб ўтказилди²⁷. 1919 йилнинг кузига келиб Туркистон АССРда саноат корхоналарининг 57 %и давлат ихтиёрига ўтказилди²⁸. Бундай сиёсат Марказ томонидан ҳеч қандай иқтисодий заруратсизлик, тайёргарликсиз ва шошма-шошарлик билан амалга оширилди.

Совет ҳукумати ўтказган «ҳарбий коммунизм» сиёсати ўз моҳиятига кўра фақат йирик саноатнигина эмас, балки ўрта ва майда корхоналарни ҳам давлат қўлида умумлаштиришни тақозо этар эди. Бунда Туркистон маъмурлари учун РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1918 йил 28 июндаги «Йирик саноат ва транспортни ёппасига миллийлаштириш тўғрисида»ги декрети қулай дастур ва асос бўлиб хизмат қилди. 1918 йилнинг 2-ярмидан 1919 йил 1-ярмигача қабул қилинган ҳукумат қарорлари, хусусан, халқ хўжалиги ва маҳаллий кенгашларнинг қарорлари асосида фабрика- завод типигадаги барча йирик ва ўрта корхоналар, шунингдек, хунармандчилик (кустар) ва ярим хунармандчилик (ярим кустар) типигадаги майда корхоналарнинг бир қисми давлат ихтиёрига ўтказилди²⁹. Хунармандчиликни социалистик асосда қайта қуриш учун қилинган тадбирлар ишлаб чиқаришга жиддий таъсир кўрсатади ва ишлаб чиқариш турғун ҳолатга тушиб қолади. Натижада 1921 йилга келиб барча соҳаларда ўзгаришлар қилишга туртки бўлди ва бу совет ҳукуматининг янги иқтисодий сиёсати (НЭП)да ўз ифодасини топди.

Янги иқтисодий сиёсатнинг муҳим бўғинлари озиқ-овқат разверсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш, савдо-сотиқни эркинлаштириш, саноатда хизмат кўрсатиш ва майда хунармандчилик соҳаларида хусусий тадбиркорликка руҳсат этиш, бозорни тартибга солиш механизмларидан қисман фойдаланиш, ижарага олиш ва ёлланма меҳнатнинг чекланишини бекор қилишдан иборат бўлди. Бунда асосан майда товар ишлаб чиқариш хунарманднинг ижодий тадбиркорлик фаолиятига йўл берилди. Туркистон МИК, ХКС ва ХХМ Кенгаши (ЦСНХ) ташаббуси билан 1921 йил февралда хунармандчилик кооперативларининг Умумтуркистон қурултойи чақирилади ва унда Туркистон хунармандлар иттифоқи

²⁷ ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 375-иш, 33-варак.

²⁸ Из истории гражданской войны в СССР // Сборник документов. – М., 1960. Т. 1. – С. 254–255.

²⁹ ЎзР МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 812-иш, 313-варак.

(Туркпромсоюз)ни тузиш тасдиқланди. 1922 йилга келиб жами косибларнинг 38840 нафари артелларга бирлаштирилди³⁰.

Туркистонда косиб-хунармандчилик тармоғи барча саноат муассасаларининг деярли 89%ни ўзида жамлаган бўлиб, улар бутун маҳсулот қийматининг $\frac{1}{4}$ қисмидан кўпроғини ишлаб чиқарар эди³¹. Хунармандчилик артеллари мустақил фаолият кўрсатишдан бутунлай маҳрум этилган бўлиб, улар давлат ва ҳарбий ташкилотларнинг турли буюртмаларини бажарарди³². Қолаверса, давлат белгилаб қўйган қатъий нарх асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар давлатга топширилиб, бозорда сотиш қатъиян ман қилинган эди.

1920-йилларнинг 2-ярми Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида хунармандчилик артелларини ташкил этилиши билан белгиланади. Тезда бу ҳудудларда хунармандларнинг иттифоқлари ҳам тузилади. Хунармандчилик артеллари Қашқадарёнинг фақатгина марказий, яъни Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Ғузор туманларида фаолият кўрсатган бўлиб, қолган чўл ва тоғли ҳудудларида деярли ташкил этилмаган эди. Кооперацияларда аҳолининг мустақил фаолият юритиши олдинги даврларга қараганда кўпроқ намоён бўлди. Жанубий вилоятларнинг катта шаҳарларида (Бехбудий(ҳозирги Қарши), Шаҳрисабз, Термиз) саноат уюшмалари ташкил этилиб, якка тартибдаги хунармандчилик артеллари кооперативларга бирлаштирилди.

1924–1925 йилларда Қашқадарёда 193 та хунармандчилик артеллари кооперативларга бирлаштирилган эди³³. Вилоят бўйича 3259 хўжалик, шулардан 2823 таси қишлоқларда, 436 таси шаҳарларда хунармандчилик билан машғул бўлган. Хунармандчилик тармоқлари ичида Бехбудий туманида 847 та хўжалик устки кийим-бош тайёрлаш, 818 та тўқимачилик, 515 хўжалик озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва 279 таси эса аравакашлик билан шуғулланганлар. Афсуски, кейинчалик бу имкониятлардан тўла маънода фойдаланишнинг имкони бўлмади. Кооператив секторнинг шаҳар ва қишлоқда фаолият кўрсатишига мафкуравий мутаассиблик, молиявий-иқтисодий қийинчилик ва маъмуриятчиликлар ҳам тўсқинлик қилди. Бироқ артеллар сони ўсгани билан ишлаб чиқариш жуда суст эди. 1928 йил 1 октябрга келиб эса ўлкада 415 артелда 22000 та хунарманд бўлиб, уларнинг сони 33,4%га ошди³⁴.

1927 йил 1 октябрга келиб Сурхондарёда жами 18 та хунармандчилик артеллари фаолият юритган³⁵. Шунга қарамай, 1929 йилда хунармандчилик саноати умумий саноат ишлаб чиқаришида муҳим ўрин тутган бўлса-да, унинг салмоғи камая борди. Анъанавий хунармандчиликнинг ўзига хос соҳаси ҳисобланган зардўзлик нисбатан кечроқ, яъни 20-йилларнинг охирига

³⁰ ЎзР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 524-иш, 351- варақ.

³¹ История народного хозяйства Узбекистана. ... – С. 18

³² Кустарная и ремесленная промышленность национальных республик... – С. 3.

³³ Қашқадарё вилояти ДА, 83-фонд, 1-рўйхат, 47-иш. 15-варақ.

³⁴ ЎзР МДА, 297-фонд, 1-рўйхат, 220-иш. 36- варақ.

³⁵ ЎзР МДА, 297-фонд, 1-рўйхат, 114-иш. 9- варақ.

келиб қайта тикланади. 1920-йилларнинг ўрталари ва 30-йиллар давомида минтақада ипакчилик, каштадўзлик, мисгарлик каби қисқариб кетган ҳунарлар қайта тикланади.

Умуман, 1940- йилларда ҳунармандлар томонидан пахта, ипак, жун газламалар ишлаб чиқариш, сопол буюмлар, қишлоқ хўжалик қуроллари тайёрлаш билан бир қаторда заргарлик, мисгарлик, кўнчилик, бўёқчилик, совунгарлик, шамрезлик каби соҳалар ҳам тикланди ва ривожлантирилди. Бироқ, ўлкада катта саъй-ҳаракатлар асосида ташкил этилган артеллар кейинчалик ўз-ўзидан ривожланиб кетмади ва ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилмади. Ҳунармандчилик саноат артеллари хом-ашё билан етарлича таъминланмаганлиги учун режа, топшириқлар бир зайлда бажарилмади ва натижада ҳунармандларнинг маълум қисми ишлаб чиқариш артелларидан кетишга мажбур бўлдилар³⁶. Шунга қарамай, Ўзбекистонда ҳунармандчиликнинг кооперациялашув тажрибаси жанубий ҳудудлар учун ҳам хос бўлиб, йирик ишлаб чиқаришга асос бўлди ва аҳоли талабини қондириб келди.

1956 йилда совет ҳукумати «Ҳунармандлар кооперациясини тугатиш тўғрисида»ги қарорни қабул қилади. Кичик ҳунармандчилик устахоналари мусодара қилиниб, миллий ҳунармандчилик «янгича» бошқарув тизими муносабатларига ўтказилади. Унинг ўрнига турли даражадаги артел ва фабрикалар ташкил этилиб, унга яқка ҳунармандлар мажбурий тарзда бирлаштирилади. Бу саноат ва ҳунармандчиликни ривожланишида муҳим ўрин тутди. Термизда саноат корхоналари 1956 йили 21 млн. рублга тенг маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, 1957 йилга келиб 9 млн., 1960 йилда эса унинг ҳажми 7 млн.га камайди³⁷.

1960-йилларда совет ҳокимиятининг ҳунармандларга бўлган салбий муносабати оқибатида газлама ишлаб чиқариш, гиламдўзлик, кигиз тайёрлаш, кўнчилик, мисгарлик, бўёқчилик ва бошқа кўплаб соҳалар деярли йўқ бўлиб кетиш хавфида қолди. 1960 йилдан қўл тўқувчилигига асосланган барча артеллар тугатилиши муносабати билан механизациялашган тўқувчилик корхоналари ишлай бошлади.

Бу даврда Ўзбекистонда фақат бадий ҳунармандчиликкагина рухсат берилди ва маҳаллий саноатнинг махсус тармоғи сифатида қайта ташкил қилинди. Ҳунармандчилик маҳсулотлари амалий санъат даражасига кўтарилиб, ундан кўргазма экспозицияси сифатида фойдаланилган бўлса, бошқа томондан аҳолининг бадий ҳунармандчилик буюмларига бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши, маҳсулотларни қўлда тайёрлаш билан бир пайтда машинада ишлаб чиқаришга ҳам ўтилиши эди.

XX асрнинг 70-йилларда совет ҳукумати ҳунармандчилик ишлаб чиқариши, хусусан, тўқимачилик ҳунармандчилиги устидан назоратни кучайтиради. Уй шароитида тўқувчилик дастгоҳларида ишлаётган усталар

³⁶ ЎзР МДА. 88-фрнд, 9-рўйхат, 2202 – иш. 100-варақ.

³⁷ Голованов А., Турсунов С. В плену утопического мышления. – Ташкент: Ўзбекистон, 1993. – С. 111.

ҳукумат томонидан қаттиқ назоратга олинган эди. Усталар уйдан топилган тўқувчилик дастгоҳлари бузиб ёки ёкилиб, уларнинг эгалари эса баъзан жазога тортиларди. Шунга қарамай, кўпгина усталар қўл хунармандчилиги анъаналарини сақлаб қолиш ва уни ёшларга ўргатишга уриндилар. Шу йилларда халқ хунармандчилиги корхоналарининг аҳволи ниҳоятда оғир эди. Шунга қарамай, жанубий ҳудудларда ишлаб чиқариш сифати паст бўлса-да, хунармандлар томонидан ҳаётини муҳим бўлган тўқимачилик ва кулолчилик маҳсулотларигина сақланиб қолди. Бундан ташқари, ҳудудларда каштачилик, шойи тўқиш, гиламдўзлик, наққошлик, заргарлик ва мисгарлик хунарлари маълум даражада давом этиб келди. Айниқса, хунармандчиликнинг бадиий каштачилик тури ривожланган бўлиб, портрет ва сюжетли паннолар тикиш яхши йўлга қўйилган эди³⁸. Чунки совет даврида бадиий хунармандчиликда ислом мотивларини акс эттириш йўқолиб бориб, анъанавийлик ва замонавийлик уйғунлашиши кузатилади. Жумладан, каштачилик буюмларида ҳукмрон мафкура асосида социалистик воқеликни акс эттириш табиий ҳол бўлиб, бу ўзгаришлар кўпроқ унинг безаклари – тўлқинсимон, илгаксимон, катаксимон усулларида намоён бўлиб, улар бевосита қўлда тикилган³⁹.

XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб жанубий ҳудудларда миллий хунармандчиликнинг мактаб ва марказлари, аксарият турлари деярли нуқтила бошланди. Мазкур жараён жамиятда кечган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ эди. Жумладан, Шаҳрисабз кулолчилик маркази ва сопол ўйинчоқлар ясашга ихтисослашган Касби кулолчилиги давр ўтиши билан йўқ бўлиб кетди. Гилам тўқиш (*оқ энли* ва *жулхирс*, *Бойсун тумани*), мисгарлик, шишасозлик, чит тўқиш, каштачилик каби хунармандчилик турлари ҳам нуқтилди. Уста хунармандлар ишлаб чиқариш корхоналарига, иш ҳақи кўп, меҳнати нисбатан енгил бўлган бошқа соҳаларга ўтиб кетдилар.

Халқ хунармандчилигидаги ўзгаришлар гарчи айрим ҳолларда янги шакллари ўзлаштиришлар бўлган бўлса-да, 1991 йилгача давом этиб мавжуд анъаналарни йўқ қилиш ҳисобига эмас, балки ҳудудларнинг локал анъаналарга мослашуви доирасида юз берган. Малумки, совет бошқарув ташкилотлари хунармандларни кооперативлар, артелларга бирлаштирилсалар-да, уларга етарлича эътибор берилмади, хунармандларнинг малакаси оширилмади ва янги техника билан жиҳозлаш имкони бўлмади. Натижада уларнинг моддий техник базаси заифлашиб борди.

Умуман олганда, совет даврида халқ хунармандчилиги тараққиётига саноатнинг индустриалашуви, атеистик мафкура, унификациялаш (бирхиллаштириш), шунингдек, хунармандларнинг битта корхона ва битта соҳа остида бирлашиб ишлаши ҳам таъсир кўрсатди. Натижада, янги завод-фабрика маҳсулотларининг кўплаб келтирилиши ва ишлаб чиқарилиши нафақат хунар турини, балки ишлаб чиқариш маҳсулотларининг шакли ва

³⁸ Чепелевская Г.Л. Ўзбекистон сўзанази. – Тошкент, 1961. – Б. 87.

³⁹ Сухарева О.А. Художественные ткани // Народное декоративное искусство Советского Узбекистана. – Ташкент: Текстиль, 1954. – С. 13–37.

сифатини ҳам ўзгартирди. Халқ бадий ҳунармандчилиги маҳаллий саноатнинг махсус тармоғи сифатида қайта ташкил қилиниб, асосан уйда ишловчи ҳунармандлар бириктирилган ўндан ортиқ фабрика ва заводлар бадий буюмлар ишлаб чиқаришга асосланади. Фабрикаларда тайёрланган маҳсулот сонига қараб усталарга ҳақ тўланганлиги боис, ишлаб чиқарилган буюмлар сифати якка тартибда ишлаб чиқарилган ҳунармандлар маҳсулотларидан анча пастлиги кузатилади.

Бу даврда ўзбек ҳунармандчилигининг трансформацияси бир томондан тараққиётга мослашиш (адаптациялашиш), иккинчи томондан эса совет ҳокимияти маъмурий-буйруқбозлик фаолиятининг натижаси эди.

Диссертациянинг тўртинчи боби – **«Мустақиллик йилларида анъанавий ҳунармандчиликни тиклаш ва ривожлантириш масалалари»** деб номланиб, анъанавий ҳунармандчилик соҳасидаги ўзгаришлар ва унга доир ислохатларнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши таҳлиliga бағишланган. Шунингдек, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолисининг анъанавий ҳунармандчилиги кўринишлари ва замонавий ҳунар турларининг ривожланиш усусиятлари ёритилган.

Бобда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш, янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши, анъанавий қадриятларнинг тикланиши, ҳунармандларга бўлган ғамхўрликнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, жанубий ҳудудлар аҳолиси ҳунармандчилиги замонавий турларининг ривожланиш хусусиятлари очиб берилган.

Ўзбекистонда ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда вилоятлардаги асосий ижтимоий-иқтисодий омиллар ҳисобга олиниб, халқ ҳунармандчилигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор жамғарма ва уюшмалар ташкил этилди. Айниқса, миллий маданиятни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун анъанавийликни тиклаш табиий жараёнга айланди. Бунга кўра, ҳунармандчилик соҳаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида анъанавий ҳунармандчилик соҳаси қайта тикланди. Ҳунармандлар учун қулай шарт-шароитлар яратилиб, солиқлардан озод қилинди ва молиявий қўллаб-қувватланди. Ўрганилаётган даврда ҳунармандларнинг меҳнат фаолияти ва тақсимот муносабатларига берилган асосий эътибор уларда ишбилармонлик, тадбиркорлик, касаначилик, моддий манфаатдорлик ижтимоий-иқтисодий стимулларнинг шаклланишига ҳам олиб келди.

1990 йил июнь ойида қабул қилинган «СССР корхоналари тўғрисида»ги қонун⁴⁰ корхоналарнинг иқтисодий ҳуқуқларини кенгайтириб, мулкчиликка асосланадиган, солиқлар тўлагандан кейин соф фойдадан мустақил фойдалана оладиган ва давлат билан муносабатларини бозор асосларида белгилайдиган бўлди.

⁴⁰ СССРнинг 1990 йил 4 июнь №1529-1-сонли «СССР корхоналари тўғрисида»ги Қонуни / Совет Ўзбекистони. – Тошкент, 1990, 26 июнь.

Унутилиб бораётган ҳунармандчилик анъаналарини қайта тиклашда Американинг «Каунтерпарт Консорциум» (1990 й) ташкилоти томонидан эълон қилинган «Маданий танишиш сайёҳлиги ва ҳунармандчиликни ривожлантириш» ҳамда «Хунармандларга ёрдам» БМТ лойиҳаларининг ўрни муҳимдир. Бу йилларда ҳунармандлар фақат ички бозор учун эмас, балки экспортга ҳам ишлай бошлади ва ҳунармандчилик кичик оилавий корхона, якка тартибдаги меҳнат фаолияти шаклида ташкил этилди.

Республикада 1996 йили Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси ташкил этилиши ва шу йилдан бошлаб ҳар йили ўтказилиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови ва унда «Энг яхши ҳунарманд» номинациясининг ташкил қилиниши миллий ҳунармандчилик ривожини учун алоҳида эътибордан дарак беради. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда миллий ҳунармандчиликка бўлган эътибор 1997 йилдан бошлаб янги босқичга кўтарилди. Республика халқ амалий санъати ва ҳунарманд усталарининг «Усто» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил топди. Уй шароитида юксак савиядаги бадиий ҳунармандчилик буюмларини ишлаб чиқараётган ҳунармандлар дастлаб беш йилгача даромад солиғидан озод қилинди, республикадан четга чиқадиган халқ ҳунармандчилик буюмлари учун бож олиш бекор қилинди⁴¹.

1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони Ўзбекистонда анъанавий ҳунармандчиликни сақлаб қолиш, ҳунармандларни ҳуқуқий, молиявий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, соҳани янада ривожлантириш, унутилган баъзи турларини қайта тиклаш ва ҳунармандлар сафининг кенгайишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унга кўра, Республика «Хунарманд» уюшмаси ташкил этилди ва «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» (1998 й) Фахрий унвони ҳам таъсис этилди.

2000 йил Германиянинг Ганновер шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон кўргазма ва ярмаркада Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳунармандлари ҳам муваффақиятли иштирок этдилар. 2002 йили ЮНЕСКО ва Ўзбекистон Республикаси томонидан Бойсун ҳудуди жаҳон миқёсида анъанавий халқ маданияти яхши сақланиб қолган 18 та марказдан бири деб эълон қилинди⁴². 2003 йилда Бойсун илмий экспедицияси иш бошлаб, Бойсун шаҳри ва унинг Тўда, Юқори Мачай, Мунчоқ, Сайроб, Пулҳоким, Авлод, Дуоба, Боғболо, Пасурх, Даштиғоз, Сариосиё қишлоқларида ҳунармандчилик анъаналари яхши сақланиб қолганлиги кўрсатиб берилди.

Ўзбекистонда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш, унутилиб бораётган йўналишларини қайта тиклашга катта эътибор қаратилмоқда. Маҳаллий усталарни анъанавий технологиялар,

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрель № ПФ 1987-сонли «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони / Халқ сўзи. 1998 йил 12 апрель.

⁴² Хакимов А., Гюль Э. Байсун: атлас художественных ремесёл ... – С. 9.

табiiй бўёқлардан фойдаланишга ўргатиш учун хориждан мутахассисларни чақириш, шунингдек, машхур хунармандчилик марказлари билан кўшма лойиҳалар ишлаб чиқишда Швецария Ҳамкорлик ва тараққиёт бюроси, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Миллий комиссияси фаол иш олиб бормоқда. Швецария Ҳамкорлик ва тараққиёт бюросининг лойиҳаси асосида Денов кулолчилиги (2003 й) анъаналари ривожлантирилмоқда. ЮНЕСКО кўмагида ташкил этилган марказлар қаторида Шаҳрисабзда сўзана тикиш маркази ва кулолчилик устахонаси (2005 й), Шўрчи каштачилик маркази, Бойсундаги «Уста Иззатилло Эшонқулов кулолчилик маркази ва устахонаси» (2006 йил 28 август) қайта тикланди. Шунингдек, хунармандларнинг ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни зарур ускуналар билан таъминлаш, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқиш ва корхоналарнинг самарадорлигини ошириш ҳам белгиланди⁴³.

Ўзбек хунармандлари Марказий Осиё, Жанубий Осиё, Шарқий Осиё давлатларини ўз ичига олган «Хунармандчилик маҳсулотларига ЮНЕСКО сифат белгиси» дастурида иштирок этмоқдалар. 2006 йилда Сурхондарё воҳаси Бойсун туманида ишлаб чиқариладиган *жанда* матоси ва *оқэнли* гилами, 2016 йилда Шаҳрисабз кулолчилик мактаби ҳам ЮНЕСКОнинг сифат белгиси билан тақдирланди ва шундай белги олган бошқа ғолиблар қаторида Бангкок, Пекин, Нью-Йорк, Деҳли ва Алматида офис сайтларига жойлаштирилди.

«Хунарманд» уюшмаси 2008 йили «Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар Миллий Ассоциацияси», 2009 йили эса Жаҳон «Хунармандлар» уюшмасига аъзо бўлди. Уюшма аъзолари 25 йўналиш бўйича фаолият кўрсатиб, мингдан ортиқ турдаги хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқара бошладилар⁴⁴. Бугун Қашқадарёда 1400 га яқин ва Сурхондарёда 900 дан ортиқ хунармандлар 34 дан ортиқ хунар турлари билан шуғулланиб келмоқдалар.

Мустақиллик йилларида шу тарзда ўрганилаётган ҳудудларда хунармандчиликни ривожлантиришда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Бироқ, эски тузилмаларни бузиб ташлаш ҳали барҳам топмаган эди. Амалга оширилаётган ислохотлар нитажасида жанубий вилоятларда замонавий, жаҳон андозаларига мос келадиган корхоналар қурилди, мавжудлари қайта таъмирланиб, замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Вилоятларда саноат ишлаб чиқариш таркиби ўзгариб, қишлоқ хўжалиги хом-ашёси ва минерал ресурсларини қайта ишлаш, уларни тайёр маҳсулот даражасига етказиш имконияти яратилди. Хунармандлар учун махсус устахоналар, яшаш жойлари ва ҳатто ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиш учун дўконлар қуриб берилди.

2012–2016 йилларда давлатнинг хунармандчиликни тиклаш ва ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш борасидаги саъйи-ҳаракатлари,

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январь ПФ 3706-сонли «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони / Халқ сўзи. 2006, 9 январь.

⁴⁴ Хунарманд уюшмаси жорий архиви. 7-йиғма жилд. 2013 йил.

кейинги йилларда ҳам давом эттирилиб, хунармандлар учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 декабрдаги ПҚ-2899-сонли қарорига асосан хунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари, хунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар тури 25 тадан 34 тага етказилди.

Ҳозирги даврда жанубий ҳудудлар хунармандчилик корхоналарида касаначилик, кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳамда бозор туризми асосида жаҳон стандартларига мос келадиган хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Янги ишчи ўринлари яратилди, маҳаллий хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва хунармандлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқиш имконияти пайдо бўлди.

«Хунармандчилик семантикаси ва у билан боғлиқ урф-одатлар» деб номланган бешинчи бобда анъанавий хунармандчиликда рамз, белги ва шакллар, уста-шогирд анъаналари ва хунармандчилик билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар семантик-семиотик ёндашув асосида тадқиқ қилинган.

Хунармандчиликда шакл ва безак семантикаси масалалари нафақат санъатшунослик, балки этнологиянинг айрим масалаларини ўрганишда ҳам ўзига хос муаммолардан бири ҳисобланади. Халқ амалий санъатида ҳар қандай тасвир ва ранг маълум бир маънога эгадир. Хунармандчилик буюмларида акс этган рамз, тасвир ва белгилар ифодаланган элементларда кишиларнинг маънавий дунёси, диний ва руҳий қарашлари, табиат ҳодисалари ҳақидаги кенг дунёқараши ўрин олган. Хунармандчилик буюмларидаги безак, шакл ва нақшларни каштачилик, гиламдўзлик, заргарлик, меъморчилик, ёғочга ишлов бериш, кулолчилик, наққошлик ва бошқа хунар турларида кўриш мумкин.

Мазкур тадқиқотда семантика-семиотика (семантика – юнонча *semanuikos* - ифодалаш) йўналиши муҳим ўрин тутиб, унга кўра ҳар бир буюм ўзининг маъноси ва шунга мувофиқ уларнинг шаклий «тасавури», хусусан, ушбу буюмларнинг турли этник анъаналарда номутаносиб шаклларга эга бўлишини кўрсатади.

Амалий безак санъати нақшлари шунчаки шакл ёки безак бўлиб қолмай, балки муҳим этнографик манбалардан ҳам биридир. Нақшлар ўз хусусиятларига кўра *геометрик* (ҳандасавий), *ўсимликсимон* (ислимий), *зооморф* (хайвон шаклидаги) ва *антропоморф* (одам) шаклидаги нақшларга бўлинади⁴⁵.

Халқ амалий-безак санъатида геометрик (космогоник), зооморф, ўсимлик, буюм, атропоморф мавзулар, айниқса, нақшлардаги зооморф тасвирлар «қисмларга ажратилган бутун» сифатида гавдалантирилади. Зооморф нақшларда ҳақиқий ёки хаёлий жониворларнинг услубий тасвирлари (бундай нақшлар одатда, «ёввойи» услуб деб ҳам номланади) акс этиб, улар айниқса, жанубий ҳудудларнинг тўқувчилик, каштачилик,

⁴⁵ Гюль Э. Диалог культур в искусстве Узбекистана. – Ташкент, 2005. – С.12.

заргарлик ва кулолчилик буюмларида кўплаб учрайди. Қарши воҳаси кулоллари зооморф, антропоморф шаклда терракота ҳайкалчаларини ясаганлар⁴⁶. Ҳозирги кунда бундай нақшли тасвирларни заргарлик буюмларида ҳам кузатиш мумкин.

Ўзбек кашталарида ўсимликсимон нақшлар, фазовий жисмлар, мева ва ҳайвонларнинг услублаштирилган тасвирлари, байтлар, нақшларни ҳам кўриш мумкин. Совет даврида кишиларнинг қиёфалари, меъморий обидалар акс эттирилиши билан бирга эркак ва аёлни эслатувчи антропоморф (одам) шакллар тасвирлана бошланди. Унга кўра, аёл замин рамзини, эркак ва аёлнинг бирлиги эса само ва заминнинг ўзаро иттифоқидан икки дунё бирлашиб, оила вужудга келишини ифодалаган⁴⁷. Бундай нақшлар асосан икки ёшнинг бахтли ва тотув яшашига, фарзанд кўришига ишорадир. Шунингдек, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари кашталарида ёш қиз тасвири гўзаллик тимсоли сифатида ҳам қадрланади.

Марказий Осиё гиламларида ўсимликсимон, геометрик, зооморфик, предметли ва уруғли тамғалар кўринишида нақшлар: йўлбарс ва туя излари, итнинг думи, олма гуллари, ток новдаси, чаён, туябўйин, қалқон, шифобахш (даволовчи) ва озуқали ўсимликлар шаклида акс эттирилган⁴⁸. Айниқса, нақшлар орасида энг кўп қўлланиладигани шох белгиси бўлиб, бу кўчманчи туркий халқлар маданиятида жонзотларни тасвирлаш анъанаси билан боғлиқдир⁴⁹. Туркий халқлар орасида қўй қадимдан инсонларни бало-қазолардан асровчи илоҳий жонивор ҳисобланган⁵⁰. Шунингдек, қўчқор зардуштийлик динида хонадон эгаларини саломатлигини қўриқлаб турувчи илоҳий маъбуд сифатида талқин этилган. Кулоллар ясайдиган тандирлар сиртига ҳам инсонни ҳимоя воситаси сифатида қўчқор шохларининг рельеф тасвири туширилган. Қашқадарёда келин-куёвлар чимилдиғи ёки улар яшайдиган хонага қўчқор шохи нақши туширилган сўзаналар турли инс-жинслардан асраш учун осиб қўйилган⁵¹.

Кашталарда қуёш тимсолини акс эттириш тарихий-анъанавий моҳият касб этиб, орзу-умид рамзи сифатида аждодлардан авлодларга ўтиб келган. Чунки афсоналарда қуёш ва ой бир-бирига қарама-қарши томонларнинг бирлашуви рамзи бўлиб, эр-хотин, аёл-эркак, ака-сингил, иссиқ-совуқ ҳамда олов ва сув тушунилган⁵². Семиотик ёндашувнинг оппозиция (мухолифлик) назариясига кўра, дихотомия мифологик (афсонавий) тафаккурга хос бўлиб, унда мажозлар, тимсоллар кенг қўлланилиб, уларни дунё ва инсонга эришишнинг усулига айлантиради. Ижтимоий муносабатларнинг мантиқи

⁴⁶ Исомиддинов М.Х., Яркулов А.А. Нахшаб ҳунармандчилиги тарихи ... – Б. 105.

⁴⁷ Богословская И. Қорақалпоқ безак нақшларидаги сирли хатлар // San'at. – Тошкент, 2008. – № 2. – Б. 8.

⁴⁸ Дудин С.М. Ковровые изделия Средней Азии // Сборник Музея антропологии и этнографии. – Л., 1928. – Т. VII. – С. 102–104. Ўша муаллиф. Ковровый словарь русского языка. – М. – СПб., 1912. Т. I. – С. 140.

⁴⁹ Мошкова В. Ковры народов Средней Азии конца XIX – начала XX вв. – Ташкент, 1970. – С.116.

⁵⁰ Пещерева Е.М. Гончарное производство Средней Азии. – М.: Наука, 1959. – С. 100.

⁵¹ Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Ғузур тумани Яргунчи қишлоғи. 2010 йил.

⁵² Новейшая энциклопедия символов и знаков. – М.: Рипол-классик, 2008. – С. 27.

гўёки афсонанинг мантиқи каби бинар (икки хил) муҳолифлик (юқори-қуйи, кун-тун, ўнг-чап, тинчлик-уруш, эр-хотин, ер-осмон ва ҳк) асосига қурилган.

Семиотик ёндашувнинг асосий тушунчаларидан бири *код* атамаси француз этнологи К. Леви-Строс томонидан муомалага киритилган⁵³. Код маданият факти (далили)нинг унга хос бўлган рамзий мазмуни билан алоқаси ва дунёқараш билан боғлиқлиги тушунилади. Масалан, шогирднинг ўз устозига белбоғ боғлаши ва ўз навбатида устозининг шогирдига усталикни давом эттириши учун белбоғ боғлаши ана шу код вазифасини бажарган. Жанубий ҳудудлар анъанавий ҳунармандчилиги семантикаси ва семиотикасини тадқиқ этиш кишилар дунёқараши, диний эътиқоди билан боғлиқ маросим ва урф-одатлар моҳиятини англашга ёрдам беради ҳамда айрим удумларни маданий мерос сифатида қайта тиклашга кўмаклашади.

Ҳар бир соҳа ҳунармандлари ўзининг муайян ижтимоий ташкилот (бирлашма)ларига эга бўлиб, маҳаллий аҳоли орасида «*касаба*» деб юритилган⁵⁴ ва ўзига хос ички бошқарув органи сифатида муҳим ўрин тутган. Маҳсулот ишлаб чиқарувчилар асосан уста, ёлланма усталар ва шогирдлардан иборат бўлган. Ҳунармандчилик уюшмаларида унинг аъзолари томонидан йиғилган пул ҳисобига қурилган *касаба* уйи – *тақия* мавжуд бўлиб, унинг яшаш хонаси – *ҳужралар* ва *чойхонадан* иборат бўлган. Тақия уюшма клуби вазифасини ҳам бажариб, у ерда ишчи ва ҳунармандлар ҳордиқ чиқарганлар. Тақия бирлашма, уюшма сифатида ҳунармандларга ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-руҳий ёрдам, кўмак берадиган ташкилот ҳисобланган⁵⁵. Туркистонда мустамлака даврида бундай тақиялар кераксиз анъаналар тарзида қаттиқ қораланиб, уларнинг сони анча қисқариб кетган.

Бобда уюшма аъзоларидан *уста*, *халфа* ва *шогирд* шахсига ижтимоий тавсиф берилди. Шогирдлик узок вақт давомида ҳунар ўрганишга асосланган. Ҳунармандчилик уюшмалари фаолияти *рисола* асосида амалга оширилиб, унда уста ва шогирд мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилган⁵⁶. Унга кўра, шогирдлар устозини ҳурмат қилиши, унга самимий муносабатда бўлиши ва унинг руҳсатисиз устахонани тарк этмаслиги керак бўлган.

Ўз ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳунармандларнинг низоми ҳисобланган рисола (*Сартарошлар рисоласи*) 1943 йилда Қашқадарёнинг Бешкент тумани (ҳозирги Миришкор тумани) Жейнав қишлоғи⁵⁷ ва Ғуздор туманида (*Кори заргарони* – заргарлар рисоласи 2017 йил) аниқланган ҳамда ҳозиргача воҳа ҳунармандлари ишлаб чиқариш муносабатларида бу қоидаларига амал қилиб келмоқдалар.

Марказий Осиё ҳунармандчилигида шогирдликка олиш тўғрисидаги шартномалар ёзма шаклда ҳамда шогирдлик муддати қисқароқ (5 йил муддатгача) тузилганлиги ҳақида маълумотлар (XVI аср) мавжуд бўлса-да,

⁵³ Леви-Строс К. Структурная антропология. / пер. с фр. Иванов В.В. – М., 1985. – Б.53.

⁵⁴ Пещерова Е.М. Гончарное производства Средней Азии. – М.-Л.: АН СССР, 1959. – С. 311.

⁵⁵ Тақия ремесленников // Туркестанские ведомости. – Ташкент, 1910. – № 62. – С. 570.

⁵⁶ Гаврилов М. Рисоля сартовских ремесленников. – Ташкент, 1912. – С. 1.

⁵⁷ Цеховой устав в передаче среднеазиатских арабов // Ученые записки ЛГУ. – № 256. (Серия востоковедческих наук, Вып. 7. перв. Винников И.Н.). –1958. – С. 115-125.

ёзма ҳужжатлар имзоланмаган⁵⁸. Жумладан, жанубий ҳудудлар заргарлиги (XIX – XX аср бошлари)да ҳам четдан олинган шогирдлар мавжуд бўлган, ҳунар ўрганиш муддати эса 10 йилдан 15 йилгача чўзилган. Кулолчилик, чармгарлик, темирчилик, қурувчилик касблари эса оғир меҳнатни талаб қилганлиги учун шогирдликка 16-17 ёшдан, заргарлик, зардўзлик, кандакорлик, каштадўзлик, дўппидўзлик ҳунарларида 10-14 ёшдан қабул қилиниб, ҳунар ўрганиш устанинг хоҳишига, касбнинг оғир-енгиллигига қараб, 4-7 йилдан – 10-15 йилгача чўзилиши мумкин бўлган.

XX аср бошларида шогирдларнинг аҳволи анча яхшиланган бўлиб, ҳунармандчилик корхоналарида ишлаётган 17 ёшгача бўлган шогирдлар умумий овқатланиш вақтидан ташқари 3 соат мактабда ўқиб келишга ҳақли бўлган⁵⁹.

Ҳунармандчиликнинг ривожланишида инсон омили муҳим бўлиб⁶⁰, бу уста-шогирд муносабатларида алоҳида ўрин тутган. Ҳунармандчиликнинг халқ амалий санъати даражасига кўтарилишида бундай анъаналарнинг ўрни бор. Бунда асосан анъанавий ва ноанъанавий ҳунар турларининг замонавийлиги, модернизацияси, қолаверса, улар ўртасидаги уйғунлик кўзга ташланади. Ҳунармандчиликнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – ҳар бир соҳанинг ҳомийси ва ҳунармандлари эътиқод қиладиган *пир*ларига эга бўлишидир. Жумладан, устахонаси йўқ, ёлланиб ишлайдиган уста-халфа ва шогирдларнинг пири Баҳовуддин Нақшбанд бўлган. Игна билан ишловчилар, яъни тикувчи, этикдўзлар Бобо Порадўз⁶¹ни ўзларига пир деб ҳисоблайдилар. Қолаверса, ҳунармандчилик устахоналарида озодаликка риоя этиш, меҳнат қуролларини тартиб билан жойлаштириш, жамоатчилик анъаналарига риоя этиш каби ҳолатлар ҳам бевосита соҳа пири ва аждодлар нуфузи (культи) билан боғлиқ бўлган.

Тадқиқот материалларидан кўринадик, халқ ҳунармандчилигида асрлар давомида тараққий этган уста-шогирд анъаналарини тиклаш, модернизация туфайли қадимий анъаналарни шакллантириш ва касбий малака, маҳоратларни ошириш ёш авлод онгида ўзбек халқи миллий қадриятларига садоқат руҳини шакллантириш катта аҳамият касб этади.

XIX аср охири – XX аср бошларида ўлка ҳудудида мавжуд бўлган ҳунармандчилик бирлашмалари ўзининг асрлар давомида шаклланиб келган анъана, урф-одат ва маросимларига эга бўлиб, ҳунармандлар манфаатлари ва уларнинг фаолиятини ислоҳ қилиш ҳамда ҳимоя этишни ўз олдига ягона мақсад қилиб қўйган. Усталикка бағишланган маросим алоҳида аҳамиятга касб этган. Устахонага бағишланган маросим *фотиҳа бериш* деб юритилиб, бунда устознинг шогирдга берадиган дуоси кўзда тутилган. Кейинги маросим *камарбандон*, яъни белбоғ тақиш *миёнбанди/камарбанди* деб ҳам

⁵⁸ Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана конец XV–XVI в. – Ташкент: Фан, 1985. – С. 81.

⁵⁹ ЎзР МДА, И–1-фонд, 12-рўйхат, 1775-иш.

⁶⁰ Тойнби А. Постигание истории. – М., 1991. – С. 247.

⁶¹ Пешерова Е.М. Гончарное производство Средней Азии... – С. 320; Алимов У.А., Мирзаахмедов Д.К. К истории мавзолея Бобои-Порадўз в Бухаре // ИМКУ. – Ташкент, 1982. Вып. XVII. – С. 169.

юритилади⁶². Бу икки маросимни ўтказган шогирд ўз устозидан ажралиб чикиб, алоҳида устахона очиб, мустақил иш юритиши мумкин бўлган.

Қашқадарё вилоятида кулолчилик ва тўқимачилик соҳаларида *бобо, оқсоқол* лавозимларига ҳунармандлар орасидан сайланган. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бу лавозимлар «Ҳунарманд» уюшмаси раиси ва «уюшма бўлим бошлиғи» лавозимларига тўғри келади.

Ҳунармандчиликка оид маросимлардан яна бири *арвоҳи пир* бўлиб, жамоа аъзолари ҳар йили оқсоқол бошчилигида бир ерда йиғилганлар⁶³. Ҳунарманд усталар сафига кириш учун ўз устозидан «фотиҳа» олиш маросимини ўтказиши, ўтган ҳунар пирлари ҳақида дуо қилиши, ҳунарманд биродарлари ва катта усталарга совғалар тортиқ қилиши, шунингдек, белбоғ боғлаш маросимидан ўтиши шарт бўлган.

Ҳунармандчилик билан боғлиқ урф-одат, маросимларнинг муайян рамз ва тимсолларда акс этиши ҳам семиотик белгилар бўлиб, улар объектга ахборот етказувчи тизимлар ҳисобланади. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида *арвоҳи пир, белбоғ боғлар, саннонпазлик, худойи оши, худойи, пахта силар* ёки бугунги кунда *мавруд ёки мавлуд* каби урф-одат, маросимлар темирчилик, тўқувчилик, кулолчилик, меъморчилик, ёғочга ишлов бериш, заргарлик ва бошқа ҳунар турлари билан боғлиқ тарзда ўтказилиб келинмоқда.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳунармандчилигига оид анъана, урф одат ва маросимлар, ҳар бир ҳунар соҳасидаги сир-асрорлар, тажриба ва малакаларнинг аجدодлардан авлодларга ўтиб келиши, ҳунар турларининг давомийлигини таъминлаган ҳамда даврлар ўтиши билан ривожланиб, такомиллашиб борган. Қолаверса, бу усул ва тажрибаларнинг бошқа ҳудудлар ҳунармандчилигидаги умумийликлари, улардаги фарқлар ва хусусий томонлари изчил тадқиқ қилинган. Халқ ҳунармандчилигининг барча соҳаларида маҳаллий халқнинг урф-одат, маросим, байрам, диний ва дунёвий дунёқарашлари билан бевосита боғланган тасвирлар доимо рамзий оҳангда, инсон, табиат ва коинот сифатида талқин этиб келинган.

ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолиси анъанавий ҳунармандчилиги XIX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларидаги тарихий жараёнлар кесимида олиб борилган изланишлар қуйидаги илмий-назарий хулосаларга асос бўлди:

